

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/04.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АКБАРОВ БАҲОДИР АБДУРАХМОНОВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИДА
КАСБИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
ПЕДАГОГИК ТИЗИМИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Акбаров Баходир Абдурахмонович

Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий тафаккурни
шакллантиришнинг педагогик тизими..... 3

Акбаров Баходир Абдурахмонович

Педагогическая система формирования профессионального мышления у
учащихся общеобразовательных школ 23

Akbarov Bakhodir Abdurakhmonovich

The pedagogical system of the formation of professional thinking in students of
secondary schools 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/04.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АКБАРОВ БАҲОДИР АБДУРАХМОНОВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИДА
КАСБИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
ПЕДАГОГИК ТИЗИМИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped12 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:



Тургунов Собитхон Тошпўлатович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эгамбердиева Турғуной Аҳмаджонова
педагогика фанлари доктори, профессор

Ражапов Воҳобжон Тўражонович
тарих фанлари номзоди, доцент


Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация химояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «11» АВГУСТ соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz)


Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81)

Диссертация автореферати 2020 йил «24» ИЮН куни таркатилди.
(2020 йил «24» ИЮН даги 2 - рақамли реестр баённомаси).



С.Т.Тургунов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

И.Солиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н.


Т.Эгамбердиева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳондаги етакчи ривожланган мамлакатлар тажрибасида ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантириш орқали уларни онгли равишда мустақил касб-хунар танлашга тайёрлаш таълим жараёнининг мазмуни сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “ёшларга сифатли таълим бериш ва малакали кадрлар тайёрлаш”¹ долзарб вазифа сифатида белгилаб ўтилган. Бу, ўз навбатида, ўқувчи-ёшларда жамият ҳаётини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантиришга хизмат қиладиган меҳнат турлари билан таништириш, меҳнат бозоридаги инновацион технологияларни ўргатишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибалар ва компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантириш орқали уларда касб-хунарни мустақил танлаш кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик тизимини ишлаб чиқиш зарурияти мавжудлигини англатади.

Дунёнинг ривожланган давлатларидаги ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришга бағишланган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фуқаролик жамиятида ўқувчиларни онгли равишда мустақил касб-хунар танлашга тайёрлаш жараёнини самарадорлигига эришиш ўз-ўзидан юзага келмайди, балки мунтазам тарзда мақсадли равишда олиб борилган педагогик фаолият натижасида шакллантирилади. Шунингдек, меҳнат ва касб кўникмалари воситасида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш жараёнига қўйилаётган замонавий талаблар билан уларнинг билим, кўникма, малака ва компетенциялари, мавжуд ижтимоий дидактик тизим ўртасидаги номутаносиблик жамият тараққиёти эҳтиёжларига мос келмаслигига сабаб бўлмоқда. Бу эса, меҳнат ва касб кўникмалари воситасида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида касбий тафаккурни шакллантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштириш зарурияти мавжудлигини кўрсатмоқда.

Республикамизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш билан бир қаторда меҳнат ва касб кўникмалари воситасида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида касбий тафаккурни шакллантириш жараёни кўламини кенгайтириш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”² каби йўналишлар белгиланган

¹Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

бўлиб, бу, ўз навбатида, мазкур жараёни тадқиқий ва таҳлилий йўналишга эга бўлган дидактик тизим сифатида тадқиқ этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сон, 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги ПФ-5712-сон Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Республикада ўқувчи-ёшларни касб-хунарга йўналтириш, меҳнат ва касб кўникмалари билан қуроллантириш, уларни онгли равишда мустақил касб танлашга тайёрлаш ҳамда тафаккур масалаларини Р.Джураев, С.Турғунов, У.Иноятов, М.Давлетшин, Н.Муслимов, О.Қўйсина, П.Магзумов, Р.Сафарова, С.Булатов, Ш.Шарипов, Ш.Эргашев, Э.Чориев, Э.Ғозиев, Ю.Асадов, Ў.Толипов, Ҳ.Рашидов, С.Умаров, Ҳ.Санакулов, А.Турғуновларнинг изланишларида кузатишимиз мумкин.

Шу билан бир қаторда меҳнат таълими, касбга йўллаш, меҳнат ва касб кўникмаларини шакллантириш орқали ўқувчиларни ижтимоий ривожлантириш муаммолари мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимлари А.Антонов, А.Сазонов, А.Орлов, В.Симоненко, С.Левиева, К.Сибгатова Н.Кашапова каби педагог ҳамда психологлар томонидан ўрганилиб, муаммонинг ечимига оид илмий-методик асослари ишлаб чиқилган.

Хорижда эса, А.Yolanda, A.Collins, D.Super, F.Person, J.Holland, K.Franco, L.Prista, R.Sears, Sh.Fukuyama каби файласуф, социолог, педагог, психолог олимлар томонидан меҳнат ва касб кўникмаларини ривожлантириш, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш, уларда касбий тафаккурни шакллантириш муаммолари тадқиқ қилинган.

Ўқувчиларда меҳнат ва касб кўникмаларини шакллантириш, уларни онгли равишда мустақил касб-хунар танлашга тайёрлаш борасида турли соҳа олимлари томонидан бир қатор илмий изланишлар амалга оширилган бўлса-да, бироқ педагогика фанида бу борада ўзининг мантиқий ечимини топмаган

муаммолар мавжуд. Жумладан, ўқувчилар ўзларида меҳнат ва касб кўникмаларини бевосита синаб кўриш воситасида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида касбий тафаккурни шакллантиришнинг дидактик тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги бу борада чуқур илмий ёндашувлар, янги билимларга бўлган эҳтиёж юзага келганлиги учун ҳам махсус тадқиқот ўтказиш зарурияти мавжудлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзПФТИ илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2014-0905173317. “Ўқувчиларни касб-ҳунарга самарали йўналтириш орқали умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узвийлигини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” (2014-2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий тафаккурни шакллантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш.

Тадқиқот вазифалари:

“ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантириш” тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиқ бериш орқали мазкур жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаштириш;

ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштириш;

илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантириш жараёни мазмуни, шакл, метод ва воситаларини аниқлаштириш;

мустақил таълим орқали ўқувчиларнинг касбий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантириш жараёни белгиланиб, Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги 262-, Наманган шаҳридаги 52-, Тўрақўрғон туманидаги 1-, Термиз шаҳридаги 1- ва 13-умумий ўрта таълим мактабларининг 940 нафар респондент-ўқувчилари иштирок этди.

Тадқиқот предмети: ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантириш омиллари, мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари: тарихий-қийсий таҳлил, педагогик кузатиш, анкета, суҳбат, мактаб иш ҳужжатларини ўрганиш, умумлаштириш, педагогик тажриба-синов, математик статистика.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларнинг онгли касб танлашга таъсир этувчи омилларнинг (ишлаб чиқариш, ижтимоий-демографик муносабатлар, оила аъзоларининг касбий саводхонлиги, шахснинг ижодий лаёқатлари, психологик маслаҳатлар, синф раҳбарининг йўналтирувчи функцияси) ижобий таъсири барқарорлигини таъминлаш асосида касбий тафаккурнинг шаклланганлик кўрсаткичлари (адаптив, продуктив, креатив) аниқлаштирилган;

ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантиришнинг педагогик тизими

компонентлари (мақсад, тактика, ёндашув, параметр) мактаб психологи фаолият мазмунига ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантириш тадбирларини киритиш, илғор хорижий ва миллий тажрибаларни интеграциялаш, касб танлаш машғулоти мазмунини эҳтиёжларни ҳисобга олишга йўналтириш жараёнлари интенсивлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантириш жараёнининг амалий босқичи индивидуал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фаоллаштирувчи ўйин методларини (синф билан ўйналадиган касбга йўналтирувчи ўйинлар; касбга йўналтирувчи ўйин-машқлар; карточкали ахборот қидирув тизимлари; стол усти ўйинлари; бланкли ўйинлар; фаоллаштирувчи сўровномалар) дидактик алгоритмга мутаносиб тарзда қўллаш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг касбий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган мустақил таълим орқали амалга ошириладиган педагогик жараёнларни креатив, эвристик, фаолиятли ёндашув асосида ташкил этишнинг рефлексив кўникмалар билан уйғунлигини таъминлашга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илғор хорижий ва миллий тажрибаларни интеграциялаш асосида ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантиришнинг диагностик воситалари такомиллаштирилган;

ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантириш даражаларини белгилаш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантириш технологияси ва дидактик таъминоти ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълим ва оила ҳамкорлиги асосида ўқувчилар мақсадли касбга йўналтириш, касбий тафаккурини шакллантириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар ва усуллар, фойдаланилган назарий ёндашувларнинг расмий манбалардан олинганлиги, эмпирик ўрганишлар асосида келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик усуллар воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти “тафаккур”, “касбий тафаккур”, “мустақил касб-хунар танлаш” тушунчаларининг педагогик мазмунининг асослаб берилганлиги; умумтаълим мактабларида ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва уни амалга оширишнинг илмий-методик асосларининг аниқлаштирилганлиги ҳамда ўқитувчи ва оналарда ўқувчиларнинг касбий тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган педагогик маданиятини ривожлантириш тизимининг назарий асослари ёритиб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантиришнинг педагогик тизимининг такомиллаштирилганлиги, ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантиришнинг самарали шакл, метод ва воситаларининг ишлаб чиқилганлиги, ўқувчиларнинг касбий тафаккурини шакллантиришнинг диагностик тизимининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади. Ўқувчиларни мустақил касб-хунар танлашга тайёрлаш юзасидан илгари сурилган илмий-назарий хулосалар илмий-методик журналларда нашр этилиб, мақолалар тарзида амалиётга жорий этилган; улардан ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш жараёнида фойдаланилган; диссертациянинг хулоса ва натижаларидан ота-оналар ҳамда ўқитувчилар ўқувчи-ёшларни ўз қизиқиш ва лаёқатларига мос равишда тўғри касб-хунар танлаш учун методик тавсия сифатида фойдаланишига эришиш орқали мазкур жараён самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий тафаккурни шакллантириш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

ўқувчиларнинг онгли касб танлашга таъсир этувчи омилларнинг ижобий таъсирининг барқарорлигини таъминлаш, касбий тафаккурнинг шаклланганлик кўрсаткичлари аниқлаштиришга доир таклифлардан “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2019 йил 22 октябрдаги 01/11-04/01-2314-сонли маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда касбий лаёқатни таркиб топтиришга доир компетенциялар тизими ишлаб чиқилган;

ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантиришнинг педагогик тизими компонентларини аниқлаштириш, касб танлаш машғулоти мазмунини эҳтиёжларни ҳисобга олишга йўналтириш жараёнлари интенсивлигини таъминлаш, индивидуал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фаоллаштирувчи ўйин методларини дидактик алгоритмга мутаносиб тарзда қўллашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ПЗ-2014-0905173317-“Ўқувчиларни касб-хунарга самарали йўналтириш орқали умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими узвийлигини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” (2014-2017 йй.) мавзусидаги лойиҳани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 июлдаги 89-03/2516-сонли маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда касбий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган профессионал таълим жараёнларини креатив, эвристик, фаолиятли ёндашув асосида ташкил этиш самарадорлигини оширишга эришилган;

ўқувчиларнинг касбий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган мустақил таълим орқали амалга ошириладиган педагогик жараёнларни креатив, эвристик, фаолиятли ёндашув асосида ташкил этишнинг рефлексив кўникмалар билан уйғунлигини таъминлашга доир илмий-методик тавсиялардан “Халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларининг X-XI синф ўқувчилари учун касбий таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика

таълим марказининг 2019 йил 22 октябрдаги 01/11-04/01-2314-сонли маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини кўшимча касбга тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 147 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий тафаккурни шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида умумтаълим мактаби ўқувчиларида касбий тафаккурни шакллантириш долзарб педагогик муаммо сифатида асосланган ҳамда **“Касбий тафаккур”** тушунчасининг психологик-педагогик талқини, умумтаълим мактаби ўқувчиларида касбий тафаккурни шакллантиришнинг таълим амалиётидаги мавжуд ҳолати ўрганилган.

Диссертацияда мактаб ўқувчиларининг касб танлаши онгли зарурият бўлиши ҳамда жамият манфаатлари ва талабига мос тушиши, ёшларнинг камолот йўлидаги шахсий муддаоларини қондириши учун ўқувчи-ёшлар юксак даражада касбий тафаккурга эга бўлишлари, жумладан, турли касбларнинг инсонга қўядиган талабларини пухта билиши, жамиятнинг ўзи танлаган мутахассисликка нисбатан эҳтиёжини олдиндан кўра олиши ва ўзининг шахсий хусусиятларини, қобилияти ва истакларини тўғри баҳолаши ва англаб етиши зарурлиги ифодаланган.

Умумтаълим мактабида ўқувчиларни касб-ҳунарни тўғри танлашга йўналтириш ишларини ташкил этиш умумий ўқув-тарбия жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Зеро, касбни тўғри танлаш, уни қувонч ва

ижодий илҳом манбаига айлантириш инсон учун ҳам, жамият учун ҳам фойдалидир. Бироқ умумтаълим мактабида ўқувчиларни касб-хунар танлашга тайёрлашда ҳар бир ўқувчи шахсидаги индивидуал хусусиятларни назарда тутиб, уларнинг руҳиятидаги туғма имкониятлар, ҳаёт давомида таркиб топган ва мустаҳкамланиб, характериға айланиб қолган маълум бир касб-хунарға нисбатан бўлган лаёқат, мойиллик, иқтидор, истеъдод, қобилият, қизиқиш ва ақл-заковат устунликларига қараб касб-хунарни мустақил, эркин танлашға йўналтириш бугунги кунда ҳам долзарб психологик-педагогик муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Бизнингча, ўқувчи-ёшларни касб-хунарға йўналтириш жараёни ташкилий жиҳатдан кўпроқ педагогик характериға эға бўлса-да, у мазмунан психологик моҳиятға эға. Чунки барча педагогик тадбирлар (ташқи таъсир) ўқувчининг касбий ўзлигини англаш ва онгли касб танлаши учун хизмат қилади, унинг касбий ўзлигини англаш жараёни (ички таъсир) эса психологик қонуниятлар асосида кечади. Касб-хунарға йўналтириш жараёнида ташқи ва ички таъсирларнинг муштарақлашуви оқибатида ўқувчида ички позиция шаклланади. Демак, бу жараён, энг аввало, касбий ўзликни англашға йўналтирилган.

Касбий тафаккур ва унинг шаклланишини ўрганишни фалсафа, психология, педагогика фанлари ҳамкорлигида амалға ошириш ушбу жараённинг самарасини таъминлайди. Бунда ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини ташкил қилиш масаласи катта аҳамиятға эға. Шу сабабли мавжуд адабиётлардан тафаккур, касбий тафаккур, унинг моҳияти, шаклланиш хусусиятлари ва имкониятларини ўрганиш уларнинг мазмун-моҳиятиға кўра педагогик таснифлаш имконини беради.

Тафаккур фалсафа, жамиятшунослик, педагогика, психология, физиология, кибернетика, биология каби фан соҳаларининг тадқиқот объекти ҳисобланади. Ижтимоий ҳаётда, таълим жараёни ва ишлаб чиқаришда одамлар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар ҳам тафаккур ёрдамида намоён бўлади. Жамоада танқидий қараш, ўзини ўзи танқид, баҳолаш, текшириш ва назорат қилиш, гуруҳий мулоҳаза юритишдан иборат тафаккур сифатлари вужудға келади.

Касбий тафаккур ўқувчи-ёшларнинг “Ким бўлсам экан?”, – деган саволға ижтимоий-худудий шароитлардан келиб чиққан ва касблар профессиограммасидаги мавжуд касблар тўғрисида тўла маълумотға эға бўлган ҳолда, ўз қизиқиш ва лаёқати – ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаши, шу асосида ўзи мустақил равишда малакали мутахассис бўла оладиган касб-хунарни танлашиға айтилади. Бунинг учун ўқувчи, авваламбор, юқорида айтиб ўтилгани каби шу соҳаға оид билим ва кўникмаларға эға бўлиши, мавжуд касб-хунарлар тўғрисида тушунча ва тасаввурға эға бўлиши, бу хусусида мустақил фикр юрита олиши лозим бўлади.

Таъкидлаш жоизки, касбий тафаккурнинг шаклланиш даражасини белгиловчи объектив омиллар мавжуд бўлиб, унинг таркибий компонентлари сифатида худудий ижтимоий-иқтисодий муҳит, маҳаллий шароит, оилавий

касбий анъаналар, шунингдек, ўқувчиларнинг табиий мойилликлари, қизиқишлари каби субъектив омиллар уларда касбий тафаккурни шакллантиришда устувор тарзда эътиборга олинishi лозим.

Умумтаълим мактабларида ўқитиладиган фанларнинг таҳлили ҳар бир ўқув фани ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ўқувчиларда касб-ҳунарлар тўғрисида тасаввурларни шакллантириш ва уларни онгли равишда касб танлашга йўналтиришда турлича имкониятларга эга эканлигини кўрсатади. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг таҳлили шуни кўрсатдики, бугунги кунда ушбу жараёнда технология таълими асосий ролни ўйнайди. Зеро, технология таълими жараёнида ўқувчиларни касбга оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шартлиги кўрсатиб ўтилган: меҳнат фаолияти жараёни ҳақида дунёқарашга эга бўлиш; умуммеҳнат билим, кўникма ва малакаларига эга бўлиш; касб-ҳунарлар ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш; халқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари тўғрисида билимларга эга бўлиш.

Бизнинг фикримизча, умумий ўрта таълим тизимининг сифат ва самарадорлигини белгиловчи энг асосий мезонлардан бири – ўқувчини мақсадга мувофиқ равишда, яъни жамиятга катта фойда келтирадиган даражада, унинг шахсий ва касбий сифатларини эътиборга олган ҳолда, касбий тафаккур асосида касбга йўналтиришдир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган узлуксиз таълим тизимининг асосий мақсади ҳар томонлама жисмоний ва маънавий ривожланган баркамол авлод ва малакали мутахассисларни етиштиришдан иборат. Бундай мутахассисларни етиштиришда ҳар бир фан мазмунида берилаётган маълумотлар алоҳида аҳамият касб этади. Шундай экан, ўқитиладиган ҳар бир фаннинг ўқувчига бераётган билим, кўникма ва малакаларнинг асосий негизида шу фан йўналишига оид касб-ҳунар турлари, унинг жамиятда тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятлари, шу соҳа эгасидан талаб этиладиган шахсий ва касбий сифатлар ҳамда бу касб орқали эришиш мумкин бўлган ютуқлар тўғрисида керакли маълумотлар берилиши лозим. Яъни ўқувчиларни мустақил равишда онгли касб танлашга йўналтириш умумий ўрта таълим жараёнининг асосий ядросини ташкил этиши зарур.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий тафаккурни шакллантириш мазмуни, методлари ва шакллари”** деб номланиб, ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантириш мазмуни, ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантириш жараёнига таъсир кўрсатувчи омиллар, ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида ўқувчиларни касбга йўналтириш, ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантиришнинг фаол методлари ҳақида фикр юритилган.

Касбий тафаккур инсон ўзининг сезгиси, идроки ва тасаввурлари орқали касб-ҳунарлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш истикболлари, ўзаро муносабат ва хоссалари ҳақида онгли, асосли ва тўлиқ тасаввурга эга бўлишни англатади. Демак, касбий тафаккур ўқувчида унинг ақлий ва физиологик тараққиёти билан билиш фаолиятининг бевосита таъсиридагина

вужудга келиши мумкин. Шундай экан, касб ҳақидаги тушунчаларнинг сезги органларида, идрок ва тасаввурда акс этиши ва хотирада мустаҳкамланиши натижасида касбий тафаккур ҳосил бўлади.

Касб танлаш мураккаб жараён бўлиб, у қатъий кетма-кетлик ва изчилликни талаб этади. Бу жараёнга эътиборсизлик билан ёндашиш турли хил англашилмовчиликларни келтириб чиқаради.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда умумтаълим мактаби ўқувчиларида касбий тафаккурни шакллантиришнинг қуйидаги такомиллаштирилган дидактик тизими ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Ўқувчида касбий тафаккурни шакллантириш жараёнининг такомиллаштирилган педагогик тизими

Умумтаълим мактабларида ўқувчиларни касбий тафаккур асосида мустақил касб танлашга йўналтиришда қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш лозим: ўқувчиларда касб танлаш масаласига жиддий ва масъулиятли муносабатда бўлишни тарбиялаш; ўсмирларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини, физиологик, психологик хусусиятлари ва имкониятларини ўрганиш, ҳар бир ўқувчи ўз ҳаётини бағишлашни истайдиган фаолият соҳасини белгилаб олишида унга ёрдамлашиш; ўқувчиларни республика ва маҳаллий ҳудудда мавжуд бўлган касблар билан таништириш, уларда касбий фаолиятнинг хусусиятлари тўғрисида тасаввурларни шакллантириш, касбнинг “умри”, ишга жойлашиш имкониятлари ва албатта, моддий манфаатдорлик каби маълумотларни бериб бориш лозим. Бунинг учун ҳар бир ўқувчини

қизиқтирадиган касб билан чуқур таништириш, танлаб олинадиган меҳнат соҳасида муваффақиятли ишлаши учун зарур бўлган кўникма, малака ва хислатларни ҳосил қилиш, шу касбга барқарор қизиқишни, танланган фаолиятга ўхшаш бўлган ишда ўз имкониятларини мактабдаёқ текшириб кўриш истагини тарбиялаш юзасидан пухта ишлашни ташкил қилиш зарур.

Ўқувчи томонидан касб танланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: мамлакатимиз учун муҳим тавсифли бўлган катта ёшдагилар, оила аъзоларининг касбларга оид қарашлари; тенгдошларининг қарашлари; мактаб педагогик жамоасининг қарашлари; шахснинг касбий ва ҳаётий режалари; шахсий қобилиятлар ва уларни намоён этиш; жамиятдаги мавқеларга интилувчанлик; у ёки бу касбий фаолият тўғрисидаги ахборотга эга бўлиш; шунингдек, энг муҳими мойиллик.

Юқорида зикр этилган омилларга қўшимча равишда яна қуйидагилар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин: кичик мутахассисга бўлган талаб, яъни иш ўринларининг мавжудлиги; касбий мотивация; касбий яроқлилиқ; таълим муассасаси ёки ишлаб чиқариш корхонаси ва ташкилотларнинг узоқ-яқинлиги; касб нуфузи кабилар.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчилари таълим олишлари билан биргаликда уларга касб-хунар ўргатиш, ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда келажакда уларнинг таълимни давом эттиришлари ёки эгаллаган касблари бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиш, ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш ва уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йил 24 октябрда “Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 868-сон қарор қабул қилинди. Қарорда қайд этилишича, ўқувчиларга касбий таълим бериш узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлиб, уларнинг касб-хунар ўрганишга бўлган эҳтиёжини қондириш, касбий билим ва кўникмаларини шакллантириш, республика иқтисодиёти тармоқлари учун зарур мутахассисларни тайёрлашни таъминлайди.

Касбий таълим беришнинг вазифалари эса: ўқувчилар томонидан касб-хунар кўникмаларининг ўзлаштирилишини таъминлаш, махсус ва чуқурлаштирилган тайёргарликни талаб этмайдиган касбларни ўргатиш орқали уларнинг касб-хунар олишга бўлган эҳтиёжини қондириш; касбий таълим бериш жараёнида “уста-шогирд” анъаналари, маҳаллий ва хорижий илғор тажрибани ўрганган ҳолда, энг мақбул методлардан фойдаланиш ҳамда касбларнинг Малака талабларини ва касбий таълим бериш жараёнининг методик таъминотини такомиллаштириб бориш; касбий таълим бериш жараёнига инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали касбий таълим бериш сифатини таъминлаш; ўқувчиларда мустақил ижодий фикрлаган ҳолда меҳнат жараёнини ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш орқали уларнинг меҳнат фаолияти билан фаол шуғулланиш имконини берувчи касб эгаси бўлишларини таъминлаш; меҳнат бозори учун махсус ва чуқурлаштирилган тайёргарлик талаб этилмайдиган касблар бўйича рақобатбардош кадрлар тайёрлашни таъминлашдан иборат.

Ўқув-ишлаб чиқариш корхоналарини мактаб билан таққослаганда касбий фаолиятни ташкил этиш имкониятлари бўйича бир қатор афзалликларга эга. Улардан асосий қуйидагилар: ўқувчиларнинг меҳнат, касб таълими, одатда, назарий асосда ташкил қилинади; ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнати, меҳнатга ва жамоатчилик мулкига онгли муносабатнинг тарбияланиши замонавий ишлаб чиқаришга яқинлаштирилган шароитда амалга оширилади; ўқувчилар билан касбга йўналтириш ишлари касбларнинг (касб таълими йўналишларининг) кенг танловига асосланиб олиб борилади.

Юқори синф ўқувчиларини ўқув ишлаб чиқариш корхоналари (ЎИЧК)да касбга йўналтириш бундан аввалроқ мактабда бошланган касбга йўналтириш ишининг узвий давоми бўлиб хизмат қилади. Бу йўналишдаги ишларнинг самарали бўлишининг асосий шarti – унинг бутун таълим-тарбия жараёни билан узвий боғлиқ олиб борилиши ҳамда унинг ажралмас қисмига айланади; ўқувчиларнинг меҳнат тайёргарлигига таянади; ЎИЧКнинг техник базасидан мақсадли ва тўлиқ фойдаланади; мазкур туман, шаҳар халқ хўжалигининг меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади; ўқувчилар меҳнат фаолиятининг у ёки бу турига қизиқиш ва қобилиятларини ўрганади, уларни касбнинг инсонга қўядиган талабларига мослаштиради; ЎИЧК ва таянч корхоналари, мактаблар, ота-оналар кенгашлари ўртасида мустаҳкам алоқаларни ўрнатишга қаратилади.

Касбга йўналтиришнинг бир нечта гуруҳ фаоллаштирувчи методлари мавжуд бўлиб, уларнинг орасида касбга йўналтирувчи ўйинлар алоҳида ўрин тутди. Бундай ўйинлар ўқувчиларни касб танлаш жараёнининг нофаол объекти даражасидан жараённинг фаол субъектига айлантиради. Ўйинларда касбга йўналтирувчи материалларни кўргазмали, предметли шаклларда тақдим қилиш мумкин. Бу ўз навбатида, ўқувчилар томонидан мавзунини яхшироқ тушуниш ва эслаб қолишга таъсир кўрсатади. Буларга: синф билан ўйналадиган касбга йўналтирувчи ўйинлар; касбга йўналтирувчи ўйин-машқлар; карточкали ахборот қидирув тизимлари; стол усти ўйинлари; бланкли ўйинлар; фаоллаштирувчи сўровномалар киради.

Синф билан ўйналадиган касбга йўналтирувчи ўйинлар фаоллаштириш ва ташхис қилиш имконияти билан тавсифланади. Бу ўйинлар реал мактаб шароитида ўтказишга мўлжалланган: ўйин вақтининг дарс вақти билан чегараланади; бутун синф билан ишланади; битта педагог синфи билан ишланади; иш жараёнида юқори даражадаги динамика кўзда тутилади.

Бутун синф билан ўтказиладиган касбга йўналтирувчи ўйинлар юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланади. Шунингдек, бундай ўйинлар ташхис, дискуссия, индивидуал маслаҳат ва маъруза шаклидаги ишларга қўшимча сифатида қўлланиши мумкин. Бу ўйинларни ташкил қилишнинг муҳим шarti – юқори динамика бўлиб, бу ҳол дарсда ўқувчиларнинг тартиб-интизомини ташкил қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш имкониятини беради.

Синф билан ўтказиладиган ўйин методларига қуйидагилар киради: маънавий-ахлоқий ўйинлар; синама-танишув ўйинлар; масъулиятли қарор қабул қилиш ва кейинги ҳаракатларни белгилашга ўргатувчи ўйинлар.

Касбга йўналтирувчи ўйин машқлар ўрта (8-15 нафар ўқувчи) ёки кичик (6-8 нафар ўқувчи) гуруҳлар билан ишлашга мўлжалланган.

Ўйин-машқларни ўтказишда қуйидаги шартларга амал қилиш лозим: ўйин динамикасини ва унда барча қатнашчиларнинг иштирокини таъминлаш; эътиборни бирон иштирокчининг хатоси (омадсизлиги)га эмас, балки ижобий, қизиқарли ва тўғри айтилган фикрларига қаратиш; ўйин топшириқларида ўз хоҳиши билан иштирок этиш тамойилига амал қилиш; ўқувчиларнинг қизиқишларини сўндирмаслик мақсадида ўйин машқни 3-5 мартадан кўп такрорламаслик; бошловчи гуруҳдаги барча иштирокчиларга ўзларини намоён қилишларига шароит яратади, кам гапиради ва ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилмайди; ўйин-машқ қўлланган машғулотларда танланган ўйин-машқ ўйинчиларда иштиёқ ва қизиқиш уйғотмаган тақдирда уни тезлик билан алмаштириш учун бир нечта “захира” ўйин-машқларни тайёрлаб қўйиш; ҳар бир ўйин-машққа хулоса қилишга ошиқмаслик. Ўқувчиларнинг ўзлари ўйинда моделлаштирилган муаммоли вазият моҳиятини англаб етишлари муҳим.

Учинчи боб “Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий тафаккурни шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари мазмуни ва унинг самарадорлик даражаси” деб номланиб, унда тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг мақсади, вазифалари ва мазмуни, ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг натижалари ва унинг самарадорлик даражаси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 262-, Наманган вилоят Наманган шаҳридаги 52-, Тўрақўрғон туманидаги 1-, Сурхондарё вилоят Термиз шаҳридаги 1- ва 13-умумий ўрта таълим мактабларида 2012-2018 йиллар давомида режа асосида ўтказилди. Уларни танлашда мактаб педагогик жамоасининг хайрихоҳлигига эътибор қаратилди.

Мазкур мактаблардан тажриба-синов ишларига жалб этилган ўқувчилар сони қуйидаги кўрсаткичларни ташкил этди (1-жадвал):

1-жадвал.

Тажриба-синов ишларига жалб этилган ўқувчилар сони

Т/р	Тажриба-синов объектлари сифатида белгиланган мактаблар	Ўқувчилар сони		
		Жами	Назорат	Тажриба
1.	Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 262-мактаб	214	102	112
2.	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 52-мактаб	176	78	98
3.	Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги 1-мактаб	192	87	105
4.	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги 1-мактаб	183	79	104
5.	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги 13-мактаб	175	80	95
	Жами	940	426	514

Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди. Уларнинг ҳар бири бўйича мақсад ва вазифалар белгиланди.

Тажриба-синов ишларининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантириш нуқтаи назаридан фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари ва мактаб психологларининг касбий-педагогик тайёргарлик даражаларининг ҳолати аниқланди; анкета ва тест саволлари ёрдамида мактаб ўқувчиларининг касбий тафаккурга оид дастлабки билим, кўникма ва малакалари даражаси ўрганилди; умумий ўрта таълим мактабларида касбий

тафаккурни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ўқув-тарбиявий ишлар жараёни билан танишилди.

Ўқувчиларда шакллантириладиган касбий тафаккурнинг таркибий қисмлари уларнинг даражаларига кўра қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланди (2-расм).



2-расм. Ўқувчиларда касбий тафаккурнинг шаклланганлик даражасини баҳолаш мезонлари

Тажриба-синов ишларининг аввали ва якуний босқичида ўқувчилар фаолиятини таҳлил этиш, улар касбий тафаккурни шаклланганлик даражаларини баҳолаш бўйича қуйидаги кўрсаткичлар қўлга киритилди (2-жадвал).

**Ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантиришнинг самарадорлиги
кўрсаткичлари (тажриба аввали ва якунида)**

Т/р	Мезонлар	Тажриба гуруҳи n = 514			Назорат гуруҳи m = 426		
		Юқори	Ўрта	Қуйи	Юқори	Ўрта	Қуйи
		Таж.а.	Таж.а.	Таж.а.	Таж.а.	Таж.а.	Таж.а.
		Таж.я	Таж.я	Таж.я	Таж.я	Таж.я	Таж.я
1.	Ўқувчининг касб турлари ва меҳнат бозорига оид маълумотларга эгаллиги	158 325	149 128	207 61	139 142	101 102	186 182
2.	Шахсий эҳтиёж, мотив ва қизиқишини тўғри баҳолай олиши	165 262	156 170	193 82	115 116	114 118	197 192
3.	Касбга ва ўқувчига қўйиладиган шартларнинг англаганлиги	152 301	163 144	199 69	124 128	140 146	162 153
4.	Ўқувчи ўзининг ақлий қобилиятлари ва жисмоний имкониятлари ни текшира билиши ва баҳолаши, қайта алоқа ва якуний қарор қабул қилиш	159 314	158 131	197 68	129 135	138 135	159 155
	Жами	634 1202	626 574	796 280	507 521	493 501	704 682
	Ўқувчилар сонига нисбатан ўртача кўрсаткич	158 301	157 143	199 70	127 130	123 125	176 171

2-жадвал кўрсаткичларига асосланган ҳолда ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантиришнинг самарадорлик даражаларини аниқлаш юзасидан тажриба ва назорат синфларидаги ўзлаштиришларини юқоридаги мезонлар бўйича Стьюдент, Фишер ва Пирсон методлари ёрдамида таҳлил этилди. Тажриба-синов ишларини математик-статистик таҳлил қилишдан мақсад тажриба-синов натижалари асосида ўқитиш самарадорлигини ҳамда билиш даражасини баҳолаш коэффициентларини аниқлашдан иборат.


Тажриба-синовда 940 нафар ўқувчилар қатнашди. Шундан тажриба синфи 514 нафар, назорат синфи эса 426 нафар ўқувчини ташкил этди.

Юқоридаги жадвалдан тажриба аввали ва якунидаги тажриба ва назорат синфларидаги умумлашган натижаларни қуйидаги жадвалда акс эттирамиз(3-жадвал):

Ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантиришнинг самарадорлик кўрсаткичлари (тажриба аввалида)

Синфлар	Ўқувчилар сони, нафар	Шаклланганлик даражалари		
		Юқори	Ўрта	Қуйи
Тажриба синфлари	514	158	157	199
Назорат синфлари	426	127	123	176

Танланмаларнинг диаграмма кўриниши қуйидагича эга бўлди (3-расм):




3-расм. Ўқувчиларда касбий тафаккурни шакллантиришга қаратилган ўқув жараёни самарадорлиги кўрсаткичлари (тажриба аввалида).

